

Кансерт!



ТАЪЛИМ

ЖАРАЁНИДА ОНЛАЙН
ПЛАТФОРМАЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378:004.031.4(072)

КБК: 74.4

Р - 31

Рашидов, Ж.

Таълим жараёнида онлайн платформалардан фойдаланиш [Матн] : методик қўлланма / Ж. Рашидов, М. Хуррамов, Б. Холмиров. – Тошкент: «Sano-Standart», 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9097-0-0

Мазкур қўлланмада дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари томонидан ўқув жараёнларида қўлланилаётган долзарб онлайн таълим платформалар ва улардан самарали фойдаланиш усуллари ҳақида методик тавсиялар берилган.

Ушбу методик қўлланмадан олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар, малака ошириш ва қайта тайёрлашга келган ходимлар, тадқиқотчилар, магистрант ҳамда талабалар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, А.Эшмуродов,
Л.Зарипов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:004.031.4(072)

КБК: 74.4

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9097-0-0

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Бугунги кунда таълим парадигмаси ўзгармоқда. Етакчи хорижий университетлар ҳам вариатив (гибрид шакл) таълим траекторияларини, масофавий курсларни ва ўқитиш технологияларини тобора кенг жорий этмоқда.

COVID-19 пандемиясининг таъсири анъанавий олий таълим манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти инсоният турмушида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Замонавий технологиялар барча соҳалар қатори таълим тизимига ҳам бир қатор янгича ёндашув ва қарашларни олиб кирди. Бу жараён таълим муассасаларида метод ва ресурсларни узлуксиз такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Таълим тизими, хусусан, масофавий таълимнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳам рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари қаторига киради.

Олий таълим муассасалари талабаларнинг дарс машғулотларида қатнашиш қамровини ошириш мақсадида аудиторияларда замонавий технологиялардан фойдаланишдан тортиб, оммавий тарздаги очиқ онлайн курсларни ташкил этишгача бўлган янгича ёндашувларни татбиқ этишга киришиб кетишди. Бугунги кунда реал воқеликдан келиб чиқиб, дунё олий таълим муассасаларида онлайн платформалар орқали ўқитиш жараёнларини ташкил этиш долзарб талабга айланиб улгурди. Улар сирасига **Zoom платформаси, геймификация (ўйинга асосланган ўқув платформалари), булутли (cloud) ва мобил платформаларни** киритиш мумкин.

Бундай платформалар, аввало, талабалар учун мутлақо янги кўринишда, яъни виртуал муҳитда таълим олиш имкониятини яратади.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бутун дунёда таълим олиш истагида бўлганлар сони таълим муассасаларидаги ўринлар сонига нисбатан кўп. 2025 йилга келиб эса талабалар сони 165 млн. га нисбатан яна 98 млн нафарга ошади. Йилдан-йилга ортиб бораётган ушбу талабни қондиришда таълимнинг онлайн шакли муаммонинг самарадор ечими бўлиши мумкин.

Онлайн таълим инсонларга шиддат билан ўзгараётган дунёга мослашиш, олинган билимларни қўллаш имкониятини кенгайтирди ҳамда илм олишни қулайлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгилаб қўйилган **ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш** вазифаси ижросини таъминлашда ҳам мазкур онлайн платформалардан унумли фойдаланиш, ўқув жараёнига ижобий натижаларни бериши мумкин.

I БОБ. ҲИЙИНГА АСОСЛАНГАН ҲҚУВ ПЛАТФОРМАЛАРИ

Ҳйинга асосланган Ҳқув платформалари Ҳқув стратегиясига Ҳйин элементларини киритиш орқали Ҳқувчилар фаоллигини ва таълим унумдорлигини ошириш учун мўлжалланган технологиялар ҳисобланиб, кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини олиб бораётган Ҳзбекистон ОТМлари ҳам мазкур платформалардан юқори даражада фойдаланишлари мумкин. Ҳйин кўринишидаги таълим бериш платформалари талабаларда мақсад қўйиш, тезкор равишда стратегик фикрлаш, Ҳзаро таъсир кўрсатиш, фикр-мулоҳазалар билдириш, муаммоларни ҳал этиш ва рақобатга киришиш каби компетенцияларни шакллантиришда амалий ёрдам беради.

Онлайн ва анъанавий машғулотларни қарама-қарши қўйиш одат тусига кириб қолган. Сўнги Ҳн йилликларда олимлар қайси формат яхшироқ эканлигини аниқлашга бир неча бор уринишди. Натижада, биз онлайн Ҳқишнинг анъанавийдан кўра самаралироқ эканлигини тасдиқловчи юзлаб тадқиқотларни топишимиз мумкин бўлди ва шу билан бирга, бунинг аксини ҳам кўрсатадиган кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Бизнингча, онлайн ва офлайн Ҳқишни таққослаш нотўғри. Иккала формат ҳам Ҳз хусусиятларига эга. Шубҳасиз, афзалликлари ҳам бор, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолатлар учун самарадордир. Одатда, натижа контекст, мавзу, Ҳқув мақсадлари, Ҳқувчининг шахсий хусусиятлари, таълим маҳсулотини амалга ошириш сифати ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ.

Бугунги кунда онлайн таълим хизмати жуда хилма-хил. Бу — очик онлайн курслар (Coursera, EdX, Udacity, Udemy), умумий таълим платформалари, b2b ечимлари (биринчи навбатда ҳар хил LMS), таълим учун мобил иловалар ва компьютер Ҳйинлари, видеоконференцалоқа воситалари, Ҳқитувчилар билан виртуал дарслар ва бошқалардир. “Қай бири самаралироқ?” деган савол эса кўпинча, аҳамиятли эмас. Бунда платформалар имкониятларини тушуниш муҳимроқ. Энг яхши натижага эришиш учун формат ва воситаларни тўғри бирлаштириш кўникмаларига эга бўлиш зарур.

Хусусан, АҚШда Ҳтказилган сўров натижаларига кўра, талабаларнинг 81 фоизи ёрдамчи рақамли қурилмалардан фойдаланиш таълим сифати ва академик кўрсаткичларни сезиларли даражада яхшилайти, деб ҳисоблайди.

Шуларнинг ичидан бугунги кундаги энг оммабоп онлайн таълим платформалари ҳақида тўхталиб Ҳтамитиз.

1.1-§. “Kahoot!”

“Kahoot!” олий таълим муассасаларида кенг қўлланиладиган ўйинга асосланган онлайн таълим бериш платформаси бўлиб, веб-платформа турли кўринишга эга бўлган ўйинлар мажмуасини тақдим этади.

“Kahoot!”ни талабалар билимини текшириш жараёнида кенг қўллаш мумкин. “Kahoot!” жамоавий машғулотлар учун мўлжалланган платформа бўлиб, ўқувчилар умумий экран атрофида тўпланишади. Ўйин жараёни жуда ҳам содда: барча ўйинчилар ўз қурилмалари орқали ўқитувчи томонидан тузилган саволларга бир вақтнинг ўзида жавоб беришади. Саволлар экранда бирин-кетин талабаларга кўрсатилади. Иштирокчилар ҳар бир тўғри жавоб учун балл олади. Викторина охирида экранда барча иштирокчиларнинг саволларига жавоб бериш пайтида тўплаган баллари кўрсатилади.


Ўйинда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш шарт эмас. Викториналарни сайтдаги каталогдан танлаш мумкин. Шунингдек, янги викториналарни яратишда кўпинча бу вазифани профессор-ўқитувчи бажаради. Ҳар бир савол учун жавоб вақти тахминан **30-60 сония** билан чекланган.

Платформадан фойдаланиш учун www.kahoot.com сайтига кириш лозим ҳамда савол тузиш учун рўйхатдан ўтишга тўғри келади. Иштирокчилар рўйхатдан ўтишлари талаб этилмайди, фақат www.kahoot.it сайтига кириб профессор-ўқитувчи томонидан тақдим этиладиган тест саволларининг пин-коддини киритади. Профессор-ўқитувчи томонидан тузилган саволларнинг пин-коди турли ижтимоий тармоқлар орқали иштирокчилар билан бўлишилади.


Бугунги кунда, “Kahoot!” онлайн платформасидан Карлсруе технология институти (Германия), Лувайн католик университети (Белгия), Вена университети (Австрия), Кембриж университети, Оксфорд университети, Лондон университети коллежи (Буюк Британия), Цюрих олий техника мактаби (Швейцария), Лондон қироллик коллежи, Эдинбург университети, Манчестер университети, Лондон Қироллик коллежи (Буюк Британия), Бристол университети (Буюк Британия), Копенгаген университети (Дания), Мюнхен техника университети, Ҳеиделберг университети (Германия), Цюрих университети, Лозанна федерал Политехника мактаби (Швейцария), Мюнхен Университети (Германия) каби давлатларининг таълим муассасалари ўзининг таълим жараёнларида ушбу илғор методикадан кенг фойдаланилмоқда.

“Kahoot!” платформасидан фойдаланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:


1-қадам. Хоҳлаган веб-браузер орқали www.kahoot.com сайтига кириш имконияти мавжуд. Браузер ойнасида қуйидаги саҳифа пайдо бўлади:




2-қадам. Саҳифанинг юқори қисмида жойлашган “Sign up” (рўйхатдан ўтиш) ёзуви устига босилади.




3-қадам. Қуйидагича саҳифа пайдо бўлади. Фойдаланувчи қайси соҳа вакили бўлса, тегишли лавозимни танлайди. Масалан, фойдаланувчи ўқитувчи сифатида кирмоқчи бўлса, “Teacher” (ўқитувчи) ёзувининг устига босади.




4-қadam. Кейинги саҳифада фойдаланувчи иш жойини киритиши керак бўлади. Масалан, “Higher Education” (олий таълим) ёзуви танланди.




5-қadam. Кейинги саҳифада “E-mail” (электрон почта) ва “Password” (электрон почтанинг махфий коди) ни киритиш лозим. Бундан ташқари “Google account”, “Microsoft”, “Apple” ва “Clever” платформалари орқали ҳам рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд.



6-қadam. Саҳифанинг юқори ўнг қисмида жойлашган **“Create”** (яратиш) тугмаси босилади. Бу орқали тест мажмуаси тузилади:




7-қadam. **“New kahoot Create”** (янги kahoot яратиш) ёзувининг устига босилади:




8-қadam. **“Start your typing question”** деган жойга савол киритилади. Пастда **“Add answer”** деган жойга эса жавоб вариантлари киритилади. Кейинги саволга ўтиш учун саҳифанинг чап томони юқорироқ қисмида жойлашган **“Add question”** ёзуви устига босилади. Саволларни турлича кўринишда тузиш мумкин. Бунинг учун **“Question type”** деган жойни босиб танлаш мумкин. Бундан ташқари, саволларга **“Add slide”** тугмаси орқали турлича тақдимотларни ҳам қўшиш мумкин. Шунингдек, **“Find and insert media”** тугмаси орқали саволларга турлича видео, аудио ва расмлар қўшиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, саволларга жавоб бериш учун **“Time limit”** тугмаси орқали вақт чегарасини ҳам белгилаш мумкин.


9-қadam. Саволлар тузилгандан сўнг, саҳифанинг юқори ўнг қисмида жойлашган **“Save”** (сақлаш) тугмаси босилади.



10-қadam. **“Save”** (сақлаш) тугмасини босилгандан сўнг, қуйидаги саҳифа ҳосил бўлади ва **“Play now”** (ҳозироқ ўйнаш) тугмаси босилади:



12- қadam. **“Start”** (бошлаш) тугмаси босилади.



13-қadam. Индивидуал тарзда ўйнаш учун “Classic mode” (оддий жараён) тугмаси босилади:



Сўнги қadam. Талабалар www.kahoot.it сайтига ёки “Kahoot! app” дастури орқали кириб “Game Pin” (ўйин пин коди) киритилади.



Ўйин тугаганидан сўнг, проектор саҳифасида ўйин натижалари эълон қилинади.

“Kahoot!” платформасидан тўлиқ фойдаланиш бўйича батафсил маълумот олиш учун <https://kahoot.com/what-is-kahoot/> сайтига кириш лозим.

1.2-§. “Quizizz!”

Талабаларни бир зумда ўзига жалб қиладиган ўйин кўринишидаги таълим бериш платформаси бўлиб, бугунги кунда **АҚШнинг 50% дан ортиқ университетларида** фаол қўлланилади. **150 дан ортиқ мамлакат профессор-ўқитувчилари** мазкур онлайн платформадан фойдаланишни афзал кўришади. Ушбу онлайн платформага исталган қурилмалардан уланиш имконияти мавжуд.


Мазкур платформа ҳинд IT-компанияси томонидан яратилган бўлиб, аудитория машғулотларида, гуруҳ топшириқларида, форматив баҳолаш жараёнларида, шунингдек, викториналарни ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин. 2021 йил ҳолатига кўра, платформа 65 миллиондан ортиқ фаол фойдаланувчисига эга. “Quizizz!” орқали талабаларга саволларни кўп вариантли танлов, овозли тарзда жавоб бериш, бланкини тўлдириш, очиқ савол, қўлда чизиш каби кўринишларда тузиш мумкин. Платформадан фойдаланиш учун www.quizizz.com сайтига кириш лозим ҳамда савол тузиш учун рўйхатдан ўтишга тўғри келади. Иштирокчилар рўйхатдан ўтишлари талаб этилмайди, фақат <https://quizizz.com/join> сайтига кириб профессор-ўқитувчи томонидан тақдим этиладиган тест саволларининг пин-кодиди киритади ва саволларга жавоб беради.

“Quizizz!” таълим платформаси орқали Массачусетс технология институти (АҚШ), Сингапур Миллий университети (Сингапур), Заед университети (БАА), “Электротехниканинг назарий асослари” фани буйича - Хитой университети (Хитой), Токио технология институти (Япония), Аделаида Университети (Австралия), Дрезден техника университети (Германия), “Компютер тизимлари ва тармоқлари” фани буйича Карлсруе технология институти (Германия) ва бошқа шу каби илғор технологиялар Лозанна федерал Политехника мактабида (Швейцария), “Мехатроника асослари” ва бошқа шу каби ўқитиладиган фанлар буйича - Пурдуде Университети, Чикаго Университети (АҚШ), Манитоба университети, Капиано университети (Канада) каби давлатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилмоқда.


Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, таълим беришда “Quizizz!” платформаси орқали талабаларга қаерда бўлишидан қатъий назар халқаро даражада таълим олиш имконини беради. Зеро, бунда таълим олиш сифати ҳам, профессор-ўқитувчи ва гуруҳдошлар билан биргаликда ҳаракат қилиш имконияти ҳам сақланиб қолади.

“Quizizz!” платформасидан фойдаланиш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:


1-қадам. www.quizizz.com сайтига кирилади ва рўйхатдан ўтиш учун “Sign up” тугмаси босилади:




2-қадам. “Google account” ёки “электрон почта” орқали рўйхатдан ўтилади:




3-қadam. “В школе или университете” (мактаб ёки университет) тугмаси босилади:




4-қadam. “Учитель” (ўқитувчи) тугмаси босилади:




5-қadam. “Оценки рубрикаси” (баҳолаш қисмидан) ичидан “University” (университет) сўзини белгилаб, “Предметы рубрикаси”дан (фанлар қисмидан) эса “Образование” (таълим) сўзини белгилаб “Done” (бажарилди) тугмаси босилади:




6-қадам. “Создавать” (яратиш) тугмаси босилади:




7-қадам. “Новая викторина” (янги викторина) тугмаси босилади:




8-қадам. “Викторина”нинг номи киритилади:




9-қадам. “Открытый” (очилган) тугмасы босилади. Бундан ташқари, саволларни бошқача кўринишда ҳам тузиш мумкин:




10-қадам. “Напечатайте свой вопрос здесь” (саволингизни шу ерга ёзинг) деган жойга саволни киритинг. Жавоб бериш вақтини белгиланг. “Сохранить” (сақлаш) тугмасы босилади:




11-қадам. Саҳифанинг ўнг юқори қисмида жойлашган “Сохранить” (сақлаш) тугмасы босилади:




12-қадам. Мавзуга расм, тил ва фаолият тури танлагандан сўнг, викторинани кимлар кўриши мумкинлиги белгиланади. “Сохранить” (сақлаш) тугмаси босилади:




13-қадам. “Начать живую викторину” (жонли викторинани бошалаш) тугмаси босилади:




14-қадам. “Классический” (одатий) сўзини белгилаб, “Продолжать” (давом эттириш) тугмаси босилади:



15-қадам. Қуйидаги саҳифа ҳосил бўлади. Талабалар www.joinmyquiz.com сайтига кириб викторина кодини киритишлари лозим.



Сўнги қадам. Талабалар саволга жавоб берганларидан сўнг профессор-ўқитувчи экранда жавоблар пайдо бўлади. Натижаларни “Скачать результаты” (натижаларни сақлаш) тугмасини босиб, “Excel” кўринишида ҳам сақлаб олиш мумкин.



1.3-§. “Mentimeter!”


“Mentimeter!” 150 миллиондан ортиқ фойдаланувчиларга эга оммабоп таълим бериш платформаси, Швеция компанияси томонидан яратилган. Кўплаб етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг дарс машғулотларида кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, илова таълим сектори учун онлайн ҳамкорликка қаратилган бўлиб, талабалар ёки жамоат аъзоларига саволларга аноним жавоб бериш имконини беради. Илова фойдаланувчиларга дарслар, учрашувлар, йиғилишлар, конференциялар ва бошқа гуруҳ тадбирларида тақдимот ва сўровлар ўтказиш, шунингдек ақлий ҳужумлар орқали мобил телефонда реал вақт режимида фикр алмашиш имконини беради. Ҳозирги кунда, “Mentimeter!” 20 миллиондан ортиқ фаол фойдаланувчиларига эга Швециянинг энг тез ривожланаётган стартапларидан биридир. Компания, шунингдек, 20 та энг тез ўсаётган 500 та стартаплар тўплами бўйича 16 та компания орасида 10-ўринни эгаллаган.

“Dagens Industri DiGasell” мукофотининг 2018 йилги нашрида Швециянинг энг тез ривожланаётган компанияси деб топилган.


Платформадан фойдаланиш учун www.mentimeter.com сайтига кириш ҳамда савол тузиш учун рўйхатдан ўтиш лозим. Иштирокчилар рўйхатдан ўтишлари талаб этилмайди, фақат www.menti.com сайтига кириб ўқитувчи томондан берилган кодни киритиш орқали саволга жавоб беришади.

Mentimeter платформасидан фойдаланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1-қадам. Даствлаб www.mentimeter.com сайтига кирилади. Рўйхатдан ўтиш учун “Sign up” тугмаси босилади:




2-қadam. “Google account” орқали рўйхатдан ўтилади:




The screenshot shows the Mentimeter sign-up page. At the top, it says "Mentimeter Create a free account". There are two buttons: "Sign up with Facebook" and "Sign up with Google". Below these, it says "or using email". The form fields are: "Your email address" (with "brienne@torth.com" entered), "Choose a password" (with "Very secret password" entered and a strength indicator of 90), and "First and last name" (with "Brienne of Torth" entered and a strength indicator of 90). A "Sign up" button is at the bottom, with a link to "terms of use and policies" below it.

3-қadam. “Education” (таълим) тугмаси босилади:




The screenshot shows the second step of the sign-up process: "STEP 2 OF 4 Where will you use Mentimeter?". There are three buttons: "Work", "Education", and "Other". The "Education" button is selected. Below the buttons, it says "We will use this information to help you get started and get more value from using Mentimeter". A "Save selection" button is at the bottom right.

4-қadam. “Educator” (таълим берувчи) сўзини танлаб, “Save selection” (танловни сақлаш) тугмаси босилади:




The screenshot shows the third step of the sign-up process: "STEP 3 OF 4 What are your main goals for using Mentimeter?". It says "Select all that apply". There are four buttons: "Engagement", "Training or educating", "Insights and feedback", and "Not sure yet". The "Training or educating" button is selected. Below the buttons, it says "We will use this information to help you get started and get more value from using Mentimeter". A "Save selection" button is at the bottom right.


5-қадам. “Training or educating” (машғулотни бажариш ёки таълим олиш) йўналишини танлаб, “Save selection” (танловни сақлаш) тугмаси босилади:



6-қадам. “Continue with free” (бепул давом эттириш) тугмаси босилади:



7-қадам. “Icebreakers for creative thinking” (ижодий фикрлаш учун вазиятни тинчлантириш) йўналиши танланади:



8-қадам. “Your question” (сизнинг саволингиз) деган жойга савол ёзилади. “Image” (расм) деган жойга расм қўшиш мумкин. Сўнг “Present” (ҳозир) тугмаси босилади:

Go to www.menti.com and use the code 6271 0392

"Реализм" сўзини эшитганингизда нимани тасаввур қиласиз? 



Press S to hide image



Сўнгги қадам. Талабалар www.menti.com сайтига кириб профессор-ўқитувчи томондан берилган кодни киритиш орқали саволга жавоб беришади. “Close voting” (ёпиқ овоз бериш) тугмаси босилади ва овоз бериш якунланади. Охирида экранда жавоблар намоиш этилади.

II БОБ. “ZOOM” МУҲОКАМА ХОНАЛАРИ

“ZOOM” - виртуал яккама-якка ёки жамоавий учрашувларни осонгина ўтказиш имконини берувчи видео конференция воситаси. “ZOOM муҳокама хонаси” (Zoom Breakout Rooms) функцияси “ZOOM” иловасининг энг ноёб хусусиятлардан бири бўлиб, “Google Meet” ёки “Microsoft Teams” масофавий виртуал иловалари ҳали ҳам бундай имкониятлар эга эмас. Ҳозирги кунда дунёнинг қатор илғор ОТМлари “ZOOM” муҳокама хонаси функциясидан ўқув-таълим ва илмий учрашувлар жараёнида кенг қўламда фойдаланмоқда.

Агарда фойдаланувчи “ZOOM” нинг мазкур функциясидан қандай фойдаланишни билмаса, унда ушбу қўлланмада уни яратиш ва бошқариш ҳақидаги зарур бўлган барча маълумотлар тақдим этилади.

2.1-§. “ZOOM” муҳокама хоналари — бу нима?

“ZOOM” муҳокама хоналари — бу асосий “ZOOM” учрашувидан муҳокамалар учун ажратилган кичикроқ шахсий гуруҳлардир. “ZOOM”нинг ушбу функцияси дарс, семинар ёки бошқа ўқув-илмий учрашувларда вақтида учрашувининг мезбонига (масалан, профессорга) учрашувнинг меҳмон иштирокчиларини (масалан, талабаларни) 50 тагача кичикроқ муҳокама хоналарга автоматик тарзда ёки танлов асосида бўлиш имкониятини беради. Масалан, учрашувнинг мезбони бўлган профессор-ўқитувчи дарс ва семинар давомида турли суҳбат хоналарига кириб талабаларга маслаҳат ва йўналишлар бериши ёки талабаларнинг муҳокамаларини назорат қилиши мумкин. Ўз навбатида, учрашувнинг мезбони асосий катта гуруҳ йиғилишини давом эттириш учун турли кичик муҳокама хоналарини битта жойга тўплаш имкониятига эга.

Эслатма: Агар фойдаланувчи “ZOOM” дастурини компьютер орқали ишга туширган бўлсагина, унинг суҳбат хоналари функцияларидан фойдаланиши мумкин. Аммо, мобил телефон ёрдамида “ZOOM” нинг муҳокама хоналарига қўшилиш мумкин бўлса-да, суҳбат хоналарини яратиш ёки бошқариш имконияти мавжуд эмас.

2.2-§. “ZOOM” муҳокама хоналарини қандай йўлга қўйиш мумкин?

“ZOOM”да дарс, семинар ва бошқа илмий учрашувларни мезбон сифатида олиб бораётган ўқитувчи ва профессорлар ушбу илованинг муҳокама хоналари функциясидан фойдаланиш учун энг аввало унинг мазкур функцияни ёқиб олиши лозим. Уни ёқиш учун қўйидаги амаллар бажарилади:

1-қadam. Компьютеридан zoom.us веб-сайти орқали “ZOOM” саҳифасига кирилади:

zoom SOLUTIONS - JOIN A MEETING HOST A MEETING - SIGN IN

Sign In

Email Address
Email Address

Password
Password [Forgot?](#)

Zoom is protected by reCAPTCHA and the [Privacy Policy](#) and [Terms of Service](#) apply.

[Sign In](#)

Stay signed in [New to Zoom? Sign Up Free](#)

2-қadam. Юқори ўнг бурчақдаги “My Account” тугмачаси босилади.

3-қadam. Чап ён панелда “Personal” сарлавҳаси остида “Settings” ёки “Account Settings” тугмаси босилади.

4-қadam. “Tab Meeting” ёрлиғидаги “Breakout Rooms” тугмасига ўтилади ва ушбу созлама ёқилганлиги тасдиқланади.

5-қadam. Рухсат берувчи тугмаси босилади ва суҳбат хоналари ёқилади:

Zoom Breakout Rooms - Lessons +

← → ↻ 🏠 sais.org/page/zoom_breakout_rooms

Breakout room

Allow host to split meeting participants into separate, smaller rooms


Allow host to assign participants to breakout rooms when scheduling

2.3-§. “ZOOM” муҳокама хоналарини қандай яратиш мумкин?

“ZOOM” учрашувида мезбон қуйидаги тартибда муҳокама хоналарини яратиши мумкин:

1-қадам. Компьютердан “ZOOM” иловасига кирилади.


2-қадам. “ZOOM” иловасида дарс, семинар ёки бошқа илмий учрашувларни режалаштириш учун “Schedule” ёки “New Meeting” тугмаси босилади:



3-қадам. Асосий “ZOOM” учрашуви бошлангандан кейин асбоблар панелининг пастки қисмидаги “Breakout Rooms” белгиси босилади.

4-қадам. “ZOOM” иловасининг учрашув иштирокчиларини автоматик равишда ёки қўлда саралаш танловидан бирини белгилаб муҳокама хоналарининг сони белгиланади.


5-қадам. Керакли созламани (автоматик ёки қўлда) танлаганингиздан сўнг, “Create Rooms” тугмачаси босилади:



III БОБ. GOOGLE DOCS

Ҳозирги вақтда замонамизнинг энг илғор ғарб университетлари кенг қўламда фойдаланиб келаётган технологиялардан яна бири “Google Docs”- “Google” ҳужжатлар иловасидир. Ушбу онлайн матн иловаси, айниқса, пандемия вақтида ўқув-таълим жараёнига қатор қулайликлар яратиб берди. Жумладан, бир вақтнинг ўзида бир неча талабаларга турли хил ёзма ишларни яккама-якка ёки жамоавий равишда бажариш ва форматлаш имконини беради. Шунингдек, бу илова юқорида айтиб ўтилган “ZOOM” муҳокама хоналарида ҳам берилган вазифаларни бажаришда жуда катта қулайликка эга.


Ушбу иловани ишга тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



1-қадам. Компьютер ёрдамида docs.google.com веб-саҳифасига кириб экраннинг юқори чап бурчагидаги “Start a New Document” ёзуви тагидаги “Blank” тугмачаси босилади.

Эслатма. docs.google.com/create веб-манзил орқали “Google” ҳужжатлар иловасида тўғридан-тўғри ишни бошлаш мумкин.


2-қадам. Иловани ишга тушуриб файл яратилгандан сўнг, уни бошқалар билан бўлишиш учун экраннинг юқори ўнг бурчагидаги “Share” тугмаси босилади ва электрон манзиллар киритилади:



Эслатма: “Google” ҳужжатлар иловасида мезбон бошқалар билан файлни бўлишиш жараёнини бошқариш имкониятига эга бўлиб, уларни ёзилган матнга ўзгартириш киритишини ёки шарҳлар беришини ёки кўришини белгилай олади. Бундан ташқари, мезбон хатолик билан кириб қолган бегоналарни тизимдан чиқариб юбориш имконига эга.

3-қадам. Иловада ёзилган матнни ёки сўзни сичқончанинг чап тугмасини икки марта босиб ёки курсор билан танлаб осонгина ўзгартириш ва формат қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, илованинг қуйидаги хусусиятлари таълим олиш жараёнида жуда катта афзалликлар беради:

- параграфларни таҳрирлаш;
- параграф ва шрифтларни форматлаш;
- турли хил жадвал ва расмлар қўшиш;
- интервалларни қўшиш ва ўзгартириш;
- сарлавҳа ёки мундарижаларни турли хил форматда қўшиш;
- ёзилган матн ва параграфларга шарҳлар бериш.




Эслатма: Киритилган ўзгаришларни илованинг юқори қисмида жойлашга “Undo ↶” ва “Redo ↷” тугмачалари орқали бекор қилиш ҳамда қайта бажариш мумкин. Энг муҳими, ёзилга барча сўз ва матнлар автоматик равишда сақланиб қолади.

IV БОБ. GOOGLE SLIDES

“Google Slides” иловаси “Google Docs” иловаси каби ўқув-таълим жараёнида кенг қўлланилаётган илғор технологиялардан бири ҳисобланади. Мазкур илова тақдимотларни яратиш ва форматлаш ҳамда бир вақтнинг ўзида бир неча шахслар учун жамовий вазифаларни бажариш имконини берувчи онлайн тақдимот иловаси. Мазкур тақдимот иловаси қуйидаги тартибда ишга туширилади:

1-қадам. “Google” тақдимотлар иловасини ишга тушириш учун slides.google.com веб-саҳифасига кириб экраннинг юқори чап бурчагидаги “Start a new presentation” ёзуви тагидаги “Blank +” тугмаси босилади. Шундан сўнг, тақдимот тайёрлаш учун янги саҳифа очилади.



Эслатма: slides.google.com/create веб-манзили ёрдамида “Google” тақдимот иловасини тўғридан тўғри ишга тушириш мумкин.

2-қадам. Иловани ишга тушириб файл яратилгандан сўнг, уни бошқалар билан бўлишиш учун “Google” ҳужжатлар иловасидагидек экраннинг юқори ўнг бурчагидаги “Share” тугмасини босинг ва электрон манзиллар киритилади.

Эслатма: “Google” тақдимотлар иловасида “Google” ҳужжатлар иловасидагидек фойдаланувчи бошқалар билан файлни бўлишиш жараёни бошқариш имкониятига эга бўлиб, уларни ёзилган матнга ўзгартириш киритишини ёки шарҳлар беришини ёки кўришини белгилай олади. Шу билан бир қаторда, мезбон хатолик билан кириб қолган бегоналарни файлдан чиқариб юбориш имконига эга.

3-қадам. Иштирокчилар ушбу тақдимот иловасига матн, расм ёки видео материалларни жойлаштириш ҳамда уларни таҳрирлаш ёки форматлаш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, ўқув-таълим жараёнини янада мукаммаллаштириш учун ушбу иловада қуйидаги амалларни бажариш имкони мавжуд:


- матн, шакллар ва чизиқларни киритиш ва уларни тартибга солиш;
- тақдимот слайдларини қўшиш, ўчириш ва тартибга солиш;
- тақдимот слайдларига анимация қўшиш имконияти.

V БОБ. GOOGLE DRIVE

“Google drive” иловаси ҳар бир фойдаланувчига файлларни хавфсиз сақлаш учун 15 гигабайтли бўш жой беради. Талабалар мазкур иловани инсталланган қурилма воситасида очиши ҳамда ундаги файлларни таҳрир қилиши мумкин. Google дискни ишга тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1-қадам. drive.google.com веб-саҳифасига кирилади.

2-қадам. Компьютер орқали юқоридаги веб-саҳифасига кирилгандан сўнг, компьютер экранининг юқори чап бурчагидаги “My drive” ёзуви чиқади.



Эслатма: “My drive” ёзуви тагида юкланган ва синхронлаштирилган файллар ва жилдлар (Google Docs, Sheets, Slides ва Forms) бўлади. Шунингдек, мазкур иловада компьютер ва бошқа электрон қурилмадаги файл ва жилдларни юклаш ва захиралаш имкониятлари мавжуд.

3-қадам. Иловасида “Google” ҳужжат, тақдимот ҳамда варақларга кириб уларни формат ёки таҳрир қилиш мумкин. Бундан ташқари, фойдаланувчи файллар ва жилдлари бошқа фойдаланувчилар билан бўлишган ҳолда, файлларга шарҳ бера олиш мумкин.

Эслатма: бошқа фойдаланувчилар бўлишган ҳужжатларни компьютер экранининг юқори чап бурчагидаги “Shared with me” қисмига кириб фойдаланиш мумкин.

ХУЛОСА

Юртимизда ҳамиша сифатли таълим олиш асосий устувор вазифа ва қадрият саналиб келган. Бугунги кунда таълимдаги инновацион технологиялар ўзига хос механизм ҳисобланиб, унинг ёрдамида таълим тизимининг замонавий воситалари ва усуллари орқали реал дунёда мужассамланади.

Олий таълим соҳасида инновацион таълим технологияларини жорий этиш мақсадида халқаро олий таълим муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада мамлакат таълим тизими манфаатларига мос келувчи инновацион ташаббусларни татбиқ қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Таълим жараёнида онлайн платформалардан фойдаланиш тизими оммалашиб бораётганининг сабаби шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин. Ҳозирги кунда талабаларнинг дунёқарашлари ўзгариб бормоқда, натижада, университетлар фаолияти ҳам ўзгариб бормоқда. Талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар ўз ишларини энгиллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун мавжуд рақамли ўқув материаллари ҳамда воситаларидан кўпроқ фойдаланишмоқда.

Умумий саводхонликка қўйиладиган талаблар, замонавий ишчиларнинг билим ва кўникмалари, янги иқтисодиёт ва ўқув муҳити талаблари тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, билим ва кўникмалар тегишли малакаларни шакллантирмасдан туриб, етарли бўлмаслиги ҳам аниқ. Энди мажбурий курслар доирасида талабалар билиши керак бўлган ҳамма нарсани ўқув дастурига киритиш мумкин эмас.

Профессор-ўқитувчининг асосий вазифаси талабаларга қандай қилиб ўрганишни, билимларини бошқаришни, керак бўлганда билимларни топши, таҳлил қилиш, баҳолаш ва қўллашни турли методикалар орқали ўргатишдан иборат. Бундай қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантириш онлайн таълим усуллариغا, мураккаб тузилган таълим муҳитларидан фойдаланишга ўтишни талаб қилади.

Методик қўлланмада келтирилган маълумотларни инobatга олган ҳолда, бугунги кунда таълимда замонавий онлайн платформалардан фойдаланиш таълим соҳасида профессор-ўқитувчиларнинг малакали касбий тажрибасини ўзлаштириш орқали таълим сифатини ошириш ва талабаларнинг функционал саводхонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўзини оқламаган усуллардан воз кечиб, таълим методикасини ривожлантириш ва педагоглар савиясини ошириш ғоят муҳим масалалардандир. Бу борада, албатта, таълим жараёнида онлайн шаклда педагоглар малакасини ошириш зарурати мавжуд

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4545884>

2. Chen Y. M. (2022). Understanding foreign language learners' perceptions of teachers' practice with educational technology with specific reference to Kahoot! and Padlet: A case from China. *Education and Information Technologies*, 27(2), 1439-1465.

3. Tan D. A. L., Lee B. C., Ganapathy M., & Kasuma S. A. A. (2022). Language Learning in the 21st Century: Malaysian ESL Students' Perceptions of Kahoot!. In *Research Anthology on Developments in Gamification and Game-Based Learning* (pp. 802-820). IGI Global.

4. González J. F., Jiménez B. T., & Jiménez M. E. T. (2022). Quizizz. *DIM: Didáctica, Innovación y Multimedia*, (40).

5. Anggriani M. D., Haryanto H., & Atmojo S. E. (2022). The Impact of Problem-Based Learning Model Assisted by Mentimeter Media in Science Learning on Students' Critical Thinking and Collaboration Skills. *International Journal of Elementary Education*, 6(2).

6. Madiseh, F. R., Al Abri A., & Sobhanifar, H. (2022). Integration of Mentimeter into the Classroom: A Scoping Review.

7. Yong A., & Rudolph, J. (2022). A review of Quizizz—a gamified student response system. *Journal of Applied Learning and Teaching*, 5(1).

8. Free P. Using Google Docs to facilitate collaborative writing in an English Language course.

9. La Counte S. (2019). *Google Apps for Seniors: A Practical Guide to Google Drive Google Docs, Google Sheets, Google Slides, and Google Forms. Ridiculously Simple Books.*

10. www.kahoot.com

11. <https://quizizz.com>

12. www.mentimeter.com

13. docs.google.com

14. slides.google.com

15. drive.google.com

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Ўйинга асосланган ўқув платформалари.....	4
1.1-§. “Kahoot!”.....	5
1.2-§. “Quizizz!”.....	11
1.3-§. “Mentimeter!”.....	18
II боб. “Zoom” муҳокама хоналари.....	22
2.1-§. “Zoom” муҳокама хоналари — бу нима?.....	22
2.2-§. “Zoom” муҳокама хоналарини қандай йўлга қўйиш мумкин?.....	22
2.3-§. “Zoom” муҳокама хоналарини қандай яратиш мумкин?.....	24
III боб. Google docs.....	25
IV боб. Google slides.....	27
V боб. Google drive.....	28
Хулоса.....	29
Фойдаланилган адабиётлар.....	30

Услубий нашр

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ОНЛАЙН
ПЛАТФОРМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №121.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ТАЪЛИМ

ЖАРАЁНИДА ОНЛАЙН
ПЛАТФОРМАЛАРДАН
Фойдаланиш



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9097-0-0



9 789943 909700